



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfséries.com

20th October 2025

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ФОШ ЭТИШГА ОИД ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ўктамжонов Фаррух Уктамжонович
Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг
биринчи ўринбосари
E-mail: farruxoktamjonovich@gmail.com

Талончилик жиноятини фош этишда полиция органлари давлатнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, жамоатчилик тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилишлари талаб этилади. Сабаби, талончилик жинояти бугун бутун дунёда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига қаратилган энг хавфли қилмишлардан бирига айланмоқда. Ушбу фикрларни дунёнинг энг ривожланган давлатларида ўнлаб, ҳаттоки, юзга яқин аъзолардан ташкил топган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган талончилик жиноятлари билан асослаймиз.

Жумладан, 2021 йилда АҚШнинг Сан-Франциско, Калифорния, Чикаго, Манхеттен, Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларининг кўчаларида таркиби маҳаллий аҳолидан шаклланган уюшган гуруҳлар томонидан катта савдо мажмуаларида талончилик жиноятлари содир этилиб, полиция ходимлари кузатув камераларининг имкониятидан фойдаланиш асосида 600 нафар шахсни қўлга олиб, ушбу жиноятларни иссиғида фош этганлар. Суриштирув ва тергов жараёнида қўлга олинган гумон қилинувчи шахсларнинг ярми содир этган қилмишига тўлиқ иқрор бўлишган.

АҚШда талончилик жиноятлари кўпайиб кетганлигининг асосий сабабларидан бири мазкур жиноятни содир этган шахслар етказган зарар 1000 АҚШ долларигача бўлганида суд томонидан қамоқ жазоси ўрнига жарима қўлланилади. Агар 1000 АҚШ долларидан кам миқдорда майда талончилик содир этилса, айбдор маъмурий жавобгарликка тортилган. Демак, АҚШнинг айрим штатларида талончилик жиноятини содир этган шахсларнинг аксарияти суд залидан озод қилиниб, жиноят қонунларининг таъсир кучини ҳис қилмай,



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfséries.com

20th October 2025

талончилик жинояти содир этишда давом этмоқда¹, деган хулосага келиш мумкин.

Маълумки, энг кўп талончилик жинояти содир этиладиган шаҳар Мексика ҳисобланди. Ўсиб бораётган жиноятчиликка қарши самарали курашиш учун оммавий “Гоогле” интерфаол харитаси яратилган бўлиб, талончиликдан жабрланган ёки унинг гувоҳи бўлган шахс мазкур харитада воқеа жойини белгилаб қўйиши билан полиция ходимлари ушбу жойларда тадбирларни кучайтиради².

Бундан ташқари, талончиликнинг олдини олиш учун турли жамоат жойлари, жумладан меҳмонхоналар, вокзаллар ва бошқа жойларга, шунингдек ижтимоий тармоқларда талончиликдан жабрланиб қолмаслик учун огоҳномалар бериб борилади. Мисол учун, “Спиртли ичимликлар таъсирида бўлган одамларнинг талончиликдан жабрланиши эҳтимоли кўпроқ. Заргарлик буюмларини кўз-кўз қилманг, ўзингиз билан олиб юрадиган нақд пул миқдори ёки кредит карталар сонини чекланг”³.

Буюк Британияда жамоат жойларида содир этиладиган талончилик жиноятини фош этишда полиция бўлинмалари томонидан 2002 йилдан буён “Кўча жиноятига қарши курашиш ташаббуси” (Стреет Сриме Инициативе – ССИ) дастури доирасида қуйидаги тезкор-қидирув чора-тадбирлари амалга оширилади:

- а) аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш;
- б) ходимларнинг штат бирлигини ошириб, маҳаллий полициянинг патруллик фаолиятини кучайтириш;
- в) кўча жиноятлари учун жавобгарликка тортиш тартибини соддалаштириш;
- г) талончилик содир бўладиган ҳудудларга қўшимча кузатув камералари ўрнатиш;

¹ https://www.1tv.ru/news/2021-10-18/414943-soedinennye_shtaty_zahlestnula_volna_massovyh_grabezhey (мурожаат вақти: 29.01.2024 й.); https://www.1tv.ru/news/2021-11-23/416872-ameriku_zahlestnula_volna_ogrableniy_na_fone_azhiotazhnogo_sprosa_pered_rozhdestvom (мурожаат вақти: 29.01.2024 й.).

² Интерактивные карты на борбе с преступностью в Мексике. <https://ru.globalvoices.org/2018/10/30/78277/> (мурожаат вақти: 01.02.2024 й.).

³ <https://gotomexico.today/topic/lifehack/102.html> (мурожаат вақти: 01.02.2024 й.).



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th October 2025

д) талончилик жиноятини содир этишга мойил шахслар билан якка тартибда ва махсус профилактик тадбирлар ўтказиш (масалан, шахсга фойдали иш билан шуғулланиш, талончилик жиноятини содир этмаслик кераклигини тушунтириш ва ҳ.к.).

Дастур доирасида ушбу ташкилий, тезкор-қидирув профилактик тадбирлари Англия ва Уелсдаги бир қатор полиция бўлинмаларининг хизмат кўрсатиш ҳудудларида амалга оширилиб, бунинг натижасида Лондонда талончилик жинояти 27 фоизга камайишига эришилган⁴.

Шунингдек, полиция томонидан айрим вақтларда бепарво фуқароларга нисбатан талончилик жиноятлари саҳналаштирилиб, уларнинг ҳамёни ва бошқа мулки олиб қўйилади, кейин полиция бу огоҳлик учун ўтказилган тадбир эканлигини маълум қилади.

Францияда оммавий ахборот воситаларидан кўпроқ фойдаланиш орқали терговга жиддий ёрдам берадиган янги гувоҳлар топилади. Ана шу мақсадда полиция ходимлари радио ва телевидения орқали жамоатчиликка кўплаб мурожаатлар қилишади. Полициянинг аноним ишонч телефонларидан фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилган⁵.

Европа мамлакатларида талончилик жиноятини барвақт олдини олишда қўлланиладиган восита ва усулларга маҳаллий полиция таянч пунктларида хизмат қилаётган ходимлар ва кўнгилли фуқаролар билан биргаликда тунги вақтларда муайян йўналишлар бўйича патруллик хизматини амалга ошириш, барча маъмурий ҳудудларда тунги ёритиш чироқлари ҳамда кузатув мосламаларини етарлича миқдорда ўрнатиш, талончилик жиноятининг олдини олишда Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида аҳоли орасида тарғибот тадбирларини ўтказиш, шу жумладан аҳолига мол-мулкани эҳтиёт қилиш мазмунидаги эслатма ва буклетлар тарқатиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин⁶.

⁴ Сайт полиции Лондона. <https://maps.met.police.uk/stats-and-data/> (мурожаат вақти: 20.01.2024 й.).

⁵ Sheribboevich, Y. K. (2024). BASICS OF A QUICK EXPERIMENT CONDUCTING OPERATIONAL SEARCH EVENTS. *International Journal Of Law And Criminology*, 4(07), 30-37.

⁶ *Хамдамов А.А.* Особенности информационно-поисковой системы полиции зарубежных страна в борьбе преступностью // *Жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами* — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014. — Б. 3–15; Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров:



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econferences.com

20th October 2025

Ўиндистонда талончилик жиноятини фoш этишда кўпинча полиция ходимлари турли тезкор тадбирларни шахсан ўзлари иштирокида ташкил этишади. Масалан, юк автомашинасидан юкнинг таланишини фoш этишда юк автомашинасини ёллаб, ўзлари ҳайдовчи бўлиб қатнашишади ҳамда талончиларни воқеа жойининг ўзида қўлга олишади.

МДХ давлатларининг талончилик жиноятини фoш этиш фаолияти ўрганилганида Беларус, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия Федерацияси каби давлатларнинг ички ишлар (политсия) тезкор хизмат ходимлари томонидан, биринчи навбатда, тезкор-қидирув тадбирларини самарали ташкил этиш ва ўтказишга; зарур тергов ҳаракатларини ўтказишга; тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахс сифатида жалб этилган махфий манбалардан олинган агентура маълумотларини синчковлик билан текширишга; жамоат жойлари ва бошқа жойларда ўрнатилган юқори мегапикселли видеокузатув мосламаларининг тезкор хотирасида мавжуд аудио- ва видеоёзувлардан унумли фойдаланишга; талончилик жинояти содир этилиш вақтида шохид ёки гувоҳ бўлиб қолган шахсларни аниқлаш орқали уларнинг муҳим кўрсатмаларидан фойдаланишга; ички ишлар (политсия), жамоат хавфсизлиги тизимида фаолият кўрсатаётган бошқа хизматлардан олинган тезкор маълумотлардан фойдаланиб, мазкур жиноят ўз вақтида, иссиғида самарали фoш этилишга катта эътибор берилиши ўрганишлар жараёнида аниқланди⁷.

Талончилик жиноятини фoш этишда хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги асосида қандай тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиб, айбдор шахсларга нисбатан жиноят қонунчилигига биноан тайинланадиган жиний жазо чоралари кўрилишини таҳлил қиламиз.

Жумладан, Беларус Республикасида талончилик жиноятини фoш этишда полиция органларининг тезкор бўлинма ходимлари томонидан тезкор қизиқиш уйғотувчи шахсларга нисбатан тезкор сўров, маълумотлар тўплаш, кузатув, намуналар йиғиш, предмет ва ҳужжатларни тадқиқ этиш, шахснинг

Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. — Т.: Издательство “Фан ва технология”, 2010. — 452 с.

⁷ <https://www.bbc.com/news/world-asia-37218033>. (мурожаат вақти: 15.05.2024 й.);



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th October 2025

айнанлигини аниқлаш, овоз назорати, телекоммуникация тармоқлари орқали назорат қилиш, тезкор киритиш, тезкор эксперимент каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади⁸.

Қирғизистон Республикасида талончилик жиноятини “иссиқ изи”дан фош этиш борасида полиция тизимидаги тезкор бўлинма ходими томонидан тезкор кизиқиш уйғотувчи шахсларга нисбатан фуқароларни сўров қилиш; маълумотлар тўплаш; нарса ва хужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; бинолар, иншоотлар, транспорт воситаларини текшириш; тезкор эксперимент, тезкор кузатув; тезкор киритиш; тезкор аниқлов; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш; телефон сўзлашувларини эшитиш; абонентлар ва абонент қурилмалари ўртасида боғланишлар ҳақида ахборот олиш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади⁹.

Қозоғистон Республикасида талончилик жиноятини содир этишда тезкор кизиқиш уйғотувчи шахслар билан тезкор сўров ўтказиш ва улардан маълумотлар олиш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; фуқаролар билан ошкора ва ноошкора усулларда ҳамкорлик қилиш; талончилик жинояти содир этишни режалаштириб юрган жиноий гуруҳ ичига ходимларни киритиш; замонавий махсус техника воситаларидан фойдаланиш; талончилик жиноятини содир этишда гумон қилинаётган шахсни алоҳида белгилари бўйича излаш ва қидириб топиш; қидирув итларидан фойдаланиш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Тожикистон Республикасида талончилик жиноятини иссиғида фош этишда полиция органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор сўров; маълумотлар тўплаш; солиштириб кўриш учун намуналар йиғиш; шахсий изқуварлик; тезкор кузатув; тезкор киритиш; тезкор эксперимент; бинолар, иншоотлар, транспорт воситаларини тезкор текшириш; алоқанинг техник

⁸ Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 г. № 307-3 «Об оперативно-розыскной деятельности» // <https://kgb.by/ru/zakon>. (муружаат вақти: 28.01.2024 й.). Инструкция о порядке заполнения регистрационных карточек единой государственной системы регистрации и учета правонарушений", утвержденная Постановлением Министерства внутренних дел Республики Беларусь 31.03.2007 Н 82. Официальный сайт МВД республики Беларусь <https://www.mvd.gov.by/ru/законодательство> / Постановление министерства внутренних дел РБ/2007/72437 (муружаат вақти: 29.01.2024 й.).

⁹ Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 г. № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // <http://cbd.minjust.gov.kg>. (муружаат вақти: 20.03.2024 й.).



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th October 2025

каналларидан тезкор ахборот олиш; телефон сўзлашувини эшитиш каби тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади¹⁰.

Россия Федерациясида талончилик жиноятини фош этишда сўров (махсус суҳбат) ўтказиш; маълумотлар тўплаш; нарсалар ва бошқа тезкор қизиқиш уйғотувчи ҳужжатларни текшириш; бинолар, иншоотлар, транспорт воситаларини тезкор текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмаси орқали сўзлашувни эшитиш; алоқанинг техник каналдан ахборот олиш каби тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Хитой Халқ Республикасида талончилик жиноятини иссиғида фош этишда жамоат хавфсизлиги хизматлари ходимлари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиб, асосан ҳудудларда етарли миқдорда ўрнатилган кузатув мосламаларининг хотирасидаги видеоёзувлардан, гувоҳларнинг аниқ кўрсатмаси ҳамда ашёлар, нарсалар ва шахсга оид маълумотлар базасидан фойдаланиб, талончилик жинояти самарали фош этилади.

Хориж тажрибасидан маълум бўлдики, талончилик жиноятини самарали фош этишда асосан тезкор-қидирув тадбирларини тўғри ташкил этиш (масалан, тадбир охиригача ўтказилади) асосида натижага эришилади.

Қайд этилган хорижий давлатлар тажрибаларининг таҳлилидан келиб чиқиб: *биринчидан*, Европа, Осиё ва МДХ давлатларида талончилик жиноятининг олдини олиш мақсадида полиция бўлинмалари томонидан “Кўча жиноятларига қарши курашиш ташаббуси” (Стреет Сриме Инициативе — ССИ) дастури доирасида умумий, яқка ва махсус тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш;

иккинчидан, талончилик жиноятининг барвақт олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ва кўнгилли фуқаролар билан самарали тарзда ҳамкорлик ташкил қилиш;

учинчидан, талончилик жиноятини фош этишда тезкор сўров; тезкор маълумот олиш; нарса ва ҳужжатларни тезкор кўздан кечириш; ички ва ташқи кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; бинолар, иншоотлар, ерлар, транспорт

¹⁰ Закон Республики Таджикистан от 25 марта 2011 г. № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // URL: <http://www.adlia.tj>. (муружаат вақти: 02.05.2024 й.).



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th October 2025

воситаларини текшириш; телефон сўзлашувини назорат қилиш; тезкор киритиш; тезкор эксперимент, шахсий изқуварлик каби тезкор-қидирув тадбирларини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

тўртинчидан, замонавий техника воситалари (видеокузатув мосламаси, дрон ва бошқалар)дан, шахсга оид тезкор маълумотлар базасидан фойдаланиш;

бешинчидан, жиноятни фош этишда оммавий ахборот воситаларидан кенгрок фойдаланиш, фуқароларга аноним ишонч телефонларидан фойдаланишни кўпроқ тушунтириш, шунингдек талончилик жиноятларининг олдини олишга хизмат қиладиган турли сахналаштирилган тадбирларни ўтказиб туриш керак деб ҳисоблаймиз.

Талончилик жиноятини фош этишнинг хорижий тажрибасини таҳлил қилиш асосида ИИО тезкор бўлинмаларининг амалий фаолиятига қуйидагиларни татбиқ этиш тавсия этилади:

биринчидан, талончилик жиноятини фош этишда Хитой тажрибасига асосланиб, ашёлар, нарсалар ва шахсга оид тезкор маълумотлар базасини яратиш лозим. Бунинг учун ИИВ Ҳукуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази, ИИВнинг барча соҳавий хизматлари, шунингдек Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги ва бошқа давлат органларининг маълумотлар базасини ИИОнинг тезкор бўлинмалари махсус хизмат компьютерлари билан интеграциялаш;

иккинчидан, талончилик жиноятини фош этишда МДХ давлатларининг илғор тажрибаси асосида ИИО тезкор бўлинмаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 14, 15, 16-моддалари талаби асосида мантиқий кетма-кетликда сўров, маълумотлар тўплаш, шахснинг айнанлигини аниқлаш, нарса ва ҳужжатларни текшириш каби *дастлабки тезкор-қидирув тадбирларини*, шунингдек тезкор кузатув, тезкор киритиш, тезкор эксперимент ҳамда прокурор санкциясида асосида амалга ошириладиган *кейинги махсус тезкор-қидирув тадбирларини* амалга ошириш;

учинчидан, талончилик жиноятини фош этишда республикамизнинг барча ҳудудларидаги аҳоли гавжум жойларда сифатли, юқори мегапикселли видеокузатув мосламаларини етарли миқдорда ўрнатиб, уларнинг



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th October 2025

имкониятидан унумли фойдаланиш;
тўртинчидан, жиноятларни фош этишда ОАВларидан кенг фойдаланиш ва
фуқароларга аноним ишонч телефонларидан фойдаланишни тарғиб қилиш
ҳамда талончиликнинг олдини олишда турли сахналаштирилган тадбирларни
ўтказиб туриш борасида ҳукумат даражасида дастур қабул қилиш.